



ХАЛҚ СҮЗИ

2021 йил – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

www.xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2021 йил 3 август, № 162 (7942)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефоннинг орқали сханер килинг.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳаси тақдимоти билан танишиди.

Иссиқлик таъминоти ҳаёт сифатини таъминлайдиган омиллардан бори. Мамлакатимизда бу тизимни тақомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда Андижон, Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарлари даги марказлашган иссиқлик таъминоти тармоклари реконструкция қилинмоқда. Жорий йилдан бошлаб, Нукус, Андижон, Бухоро, Жиззах, Карши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Гулистон, Ургач, Фарғона, Чирчик ва Ангрен шаҳарларида кўп каватли уй-жойларга хизмат кўрсатиш бошқарув-сервис компанияларига ўтказилмоқда.

Тошкент аҳоли сони жиҳатидан ҳам, иссиқлик тармокларининг кўлами бўйича ҳам мамлакатимизнинг энг катта шахридир. Бу ерда 9 минг 165 та кўп каватли уй, 3 минг 475 та ижтимоий обьект марказлаш-

ган иссиқлик таъминотига уланган. Лекин магистрал ва тарбияти тармокларининг 72 фози, марказий қозонхоналарнинг хаммаси, маҳаллий қозонхоналарнинг 90 фози эскирган.

Бу харажатларнинг ҳаддан зиёд ортиб, хизмат сифати пасайига сабаб бўймоқда. Масалан, ўтган йили иссиқлик энергияси йўқотилиши 44 фози, пулга чақандা, 630 миллиард сўмни ташкил этиган. Бунинг учун 460 миллион куб метр табиий газ, 55 миллион куб метр ичимлик суви, 154 миллион киловат электро энергияси ортича сарфланган.

Оқибатда "Тошибисиккувати" давлат унитар корхонасининг кредитори қарзорлиги юқорилигида қўлмоқда. Хизмат сифати пастлиги аҳолининг жиддий эътиrozларига сабаб бўймоқда.

Шу боис 2019 йил 2 декабрда "Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини яна-

да тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилиниб, тизимда бозор тамойиллари ва давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Ўтган даврда бу борада лойиҳа концепцияси тайёрлашиб, таклифлар олиш учун танлов эълон қилинди. Осёй тараққиёт банкининг хуласасига кўра, Франциянинг "Veolia" компаниясининг лойиҳаси энг са-марадор деб топилди. Бу компания Польша, Чехия, Руминия, Литва, Германиядаги шаҳарларда иссиқлик тизимини бошқариш таҳрибасига эга.

Шу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан компания ўртасида хусусий шериклик шартномаси имзоланиши кутилмоқда.

Лойиҳага кўра "Veolia" компанияси томонидан 315 миллион евро, лойиҳа даврида олинадиган даромад ҳисобидан

1 миллиард 80 миллион евро йўлтирилиши кўдда тутилган.

Бу маблағлар эвазига 181 та иссиқлик қозонхонаси модернизация қилинши, 28 мингта иссиқлик пункти ўрнатилиши, 841 километр тармок реконструкция қилиниб, 576 километр тармок янгидан курилиши ревожаҳатирилган. Шунингдек, 391 та маҳсус автомашина ва бошқа ускуналар сотиб олинида. Ҳалқаро даражадаги техник аудит бу биллинг тизими жорий этилади.

Тақдимотда, аввало, иссиқлик таъминоти хизматларини хусусий шериклик асосида ташкил этиши методологиясини ишлаб чиқиши вазифаси кўйилди.

Президентимиз тақлиф этилаётган лойиҳани Тошкент шаҳридаги мавзелардан бирда намуна сифатида жорий этиб, са-марадорлигини тажрибадан ўтказиш, ҳар томонлама чукур ўйлаб, қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Бошқарувга беришдан олдин "Тошибисиккувати" давлат унитар корхонасига тегиши молмула ва бинолар ҳатповдан, кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминоти тизимлари техник ва энергетик аудитдан ўтказилиши белгиланди.

Лойиҳани амала ошириш учун Иссиқлик тизимини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиш бўйича кўрсатма берилди. Лойиҳа доирасида олининг софғайдан 10 фойздан ошган қисми мазкур жамғармага ўтказиб борилади.

Махсус техника, ускуна ва материялларни давлат ҳаридарлари тўғрисидаги қонунга асосан очик тендер орқали, мақбул нархларда сотиб олиш кераклиги кайд этилди.

"Veolia" компанияси билан бирга маҳаллий мутахассислар малакасини оширишини ўйлга кўйиш мухимлиги таъкидланди.

Ўза.

Нуқтаи назар

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

ҲАЛҚИМИЗНИНГ ТАФАККУРИНИ ЮҚСАЛТИРИШДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамоилларнинг ҳаётга жорий этиши, юртдошларимиз, айниқса, ёш авlod қалбида Ватанимиз тақдирни ва келажаги учун даҳлдорлик, масъулият ҳиссиси ошириш, ёт ғояларга қарши мағкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди.

Бу жараёнда давлатимиз томонидан катта ишлар амалга оширилганини кайд этиш лозим. Бу бежис эмас. Зеро, бунгунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик лик ва баъдархонликка қарши янги таҳдид ҳамда хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликларни саҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида тақомиллаштириши тақроғ этателанди. Хусусан, оила, маҳалла ва таълим мусассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб бориладиган, жинончилик, экстремизм ва террористик ҳаракатларига адашиб

кўшилиб колиши, миллий қадриятларга ёътиборсизлик, эрта турмуш куриш, ойлавий ахралашлар кабул салбий холатларнинг олдини олишга қартилган тарғибот ишларини кучайтириш ҳар доимигидан ҳам музифага айланди.

Мамлакатимизда қабул килинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини рivoхлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, аввали, давлат бошқарувни органларининг кўйи бўйинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳалқ билан мулокот килишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белgilab кўйилган.

►4

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР, АВВАЛО, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОРДИР

2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари ҳаётида том маънода тарихий кун бўлиб қолди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу куни атоқли шоир ва адиллар, театр, кино, мусиқа санъати соҳасининг таникли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар билан учрашиди.

Давлатимиз раҳбари "ўтада бегона йўк", дея алоҳида таъкидлагани боис учрашууда фоят самимий ва очик руҳ ҳукмрон бўлди. Ҳалқимизнинг дилидаги гаплар айтилди. Маданиятимиз ва санъатимиз ривожи холосона, танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича мухим кўрсатмалар берилди. Маданий ҳаётимиз равнави ўйлида фоят катта аҳамиятга эга бўлган бу ишларнинг баҳоли курдат амалга ошишига, "...ҳавас қўлса арзидиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз" бўлишига ишонч билдирилди.

Хўш, мазкур тарихий учрашуудан сўнг ўтган тўрт йил мобайнида соҳада қандай ўзгаришлар рўй берди? Санъат ва қалам аҳлининг ижодий қайфиятида-чи? Соҳа вакиллари бу ҳақда ўз фикр-мулоқазаларини билдирилди.

Мушоҳада

Муҳаммад АЛИ, Ҳалқаро Амир Темур ҳайрия жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Ҳали-ҳаҷон! Президентимиз билан ўтказилган ўша қизини учрашуунинг бой ва ёрқин таъсирида юраман. Эҳтимол, буни одатий учрашув эмас, балки маънавиятимиз олдида тургандан, ҳал қилиниши зарур музифа ва муаммоларни ҳақида самимий, дилкож мулокот, маслаҳат кенгаши дейилса, тўғри бўлади. Яна шуниси ёътиборлики, ушбу мулокот нафақат ижодий идоралар учун, балки ҳар бир зиёли

шахс тақдирiga, турмушига бе-восита алоқадор шоёни дикқат ходиса эди.

Хусусан, Президентимиз кино санъати ҳақида сўз юритганди, каминанинг Амир Темур ҳақидағи романлари асосида Соҳибқирон бобомиз ҳақида бадиий фильм яратиш вазифасини топшириди. Бу ижодкорларга билдирилган катта ишонч ва мадад эди. Ҳозир бу борада жиддий изланишлар бошлаб кетди. Ўзбекистон Республикаси

ликаси Кинематография агентлиги ва Туркиянинг "Алтинкецит" кинокомпанияси ижодкорлари билан ҳамкорликда сериал олиб борилмоқда, тарихий фактларга ёндашганда етти ўлчаб бир кесиши, сценарий ёзиши, фильмни қаерда олиш ва бошқа кўп ижодий масалалар ечимлари қидиримоқда. Яқинда туркиялик киноижодкорлар шу мақсадда юртимизда меҳмон бўлиши, Кинематография агентлиги раҳбарлари билан учрашувлар ўтказишиди.

►4



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АҲБОРОТ

31 юни куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўзиши давом эттириди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармони билан республика худудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг кимматбахо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш мuddати 2021 йил 31 декабрга кадар узайтирилган.

Шу билан бирга, худудий экология ва атроф-муҳофиза килиши органларининг давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесилишига ҳарамай, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан дарахт ва буталарни кесилишга ноконуни руҳсат берилиши кузатилётгани қайд этилган.

►2

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

Ўзбекистон Республикасининг
қонуни

Зайтун мойи ва зайтун меваси
тўғрисидаги ҳалқаро битимга
(Женева, 2015 йил 9 октябрь)
Ўзбекистон Республикасининг
қўшилиши ҳақида

Конунчилик палатаси томонидан 2021 йил 6 июляда қабул килинган
Сенат томонидан 2021 йил 31 июляда маъкулланган

Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги ҳалқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октября) кўшилинсан.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 2 август
№ ЎРҚ-704

Ўзбекистон Республикасининг
қонуни

Ўзбекистон Республикасининг
айрим қонун ҳужжатларига
аҳолининг санитария-
эпидемиологик
осойиштагини таъминлашга
қаратилган ўзгаришлар
ва кўшимча киритиш тўғрисида

Конунчилик палатаси томонидан 2021 йил 27 июляда қабул килинган
Сенат томонидан 2021 йил 31 июляда маъкулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул килинган 161-1-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Аҳборотномаси, 1996 йил, 1-сонли иловада; 1997 йил, № 2, 65-модда; 19

